

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЪЗАМОВ ТЕМУР НАЗРУЛЛАЕВИЧ**

**ДИСКРЕТ ЎЗГАРУВЧАН КИРУВЧИ ПАРАМЕТРЛИ ОБЪЕКТЛАРНИ**  
**ВАЗИЯТЛИ БОШҚАРИШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотларини қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Аъзамов Темур Назруллаевич**

Дискрет ўзгарувчан кировчи параметрли объектларни вазиятли  
бошқариш алгоритмлари ..... 3

**Аъзамов Темур Назруллаевич**

Алгоритмы ситуационного управления объектами с дискретно  
переменными входными параметрами..... 23

**Azamov Temur Nazrullayvich**

Algorithms for situational control of objects with discretely variable input  
parameters..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЪЗАМОВ ТЕМУР НАЗРУЛЛАЕВИЧ**

**ДИСКРЕТ ЎЗГАРУВЧАН КИРУВЧИ ПАРАМЕТРЛИ ОБЪЕКТЛАРНИ**  
**ВАЗИЯТЛИ БОШҚАРИШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотларини қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т442 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Якубов Мақсадхон Сулганиязович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Саидов Абдусобиържон Абдурахмошович  
техника фанлари доктори

Тухтаназаров Дилмурод  
PhD

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020й. «26» ноябр да соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.:(99871)238-64-43, факс: (99871)238-65-52, e-mail:[tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.:(99871)238-65-44.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «22» октябрь даги 20 рақамли реестр баённомаси)



*Handwritten signature of R. X. Hamdamov*

**Р.Х.Ҳамдамов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

*Handwritten signature of F. M. Nuralliev*

**Ф.М.Нураллиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

*Handwritten signature of A. V. Kobulov*

**А.В.Қобулов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборот технологиялари асосида ўзгарувчан параметрли объектларда ҳам ашёлар шакли ва хусусиятлари бўйича бир биридан фарқ қилувчи керамик маҳсулотлар ишлаб чиқиш тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инфратузилмаларнинг изчил такомиллашгаётган даврида дискрет ўзгарувчан параметрли объектларда керамик маҳсулотларни ишлаб чиқариш иқтисодий динамика ривожланишининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу борада туннелли ёки барабанли печларда қоришмаларни куйдириш ва қуришиш технологик жараёнларини автоматлаштириш, оптимал ҳарорат режимини аниқлаш усуллари ва печда вагонлар ҳаракатларини бошқариш тизимларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж ва талаб ортиб бормоқда. «ONS Қурилиш материаллари ассоциацияси маълумотларига кўра 2012 йилдан буён жаҳон бозорида қурилиш материалларига бўлган талаб ўсиб келмоқда. Хусусан 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 10.4%, 2015 йилда 14.8%, 2016 йилда 18.7%, 2017 йилда 23.8%, 2018 йилда 23.9% ўсиш суръати кузатилган»<sup>1</sup>. Бу йўналишда Хитой, Польша, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда туннелли печда керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ресурстежамкор керамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли объектларда (ДЎКПО) ҳам ашёнинг физик ва кимёвий таркибига мос технологик режими ва печ ҳароратини аниқлаш, ДЎКПО куйдириш ва қуришиш жараёнларини математик модели ва бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш, технологик жараёнларни автоматлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли объектларда керамик маҳсулотлар ишлаб чиқиш жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, талаблари, тамойиллари ва мезонларига асосланиб қоришмани куйдириш ва қуришиш жараёнларида печ ҳароратини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, маҳсулот турига қараб печларнинг ДЎКПО технологик жараёнлари ҳарорати ва вагонлар ҳаракати тезлигини бошқариш усулини ишлаб чиқишни илмий асослаш зарур бўлмоқда.

Республикамизда турли мақсадларга мўлжалланган турли таркибли ва шакллардаги керамик маҳсулотларни ишлаб чиқиш технологик жараёнларини модернизациялаш, печларда вагонлар ҳаракати тезлиги, печлар ҳароратини аниқлаш, қоришмаларни куйдириш ва қуришиш жараёнларини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий ҳам-

<sup>1</sup>[www.constructionproducts.org.uk](http://www.constructionproducts.org.uk) ONS, Construction Products Association

ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, дискрет ўзгарувчан параметрли объектларда керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқиш жараёнларини автоматлаштирилган тузилмаси, ДЎКПО қоришмани куйдириш ва қуриштириш жараёнлари моделларини, вагонлар ҳаракати даврида печ ҳароратини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, жараёнларни бошқариш алгоритм ва усулларини такомиллаштиришга мўлжалланган ихтисослашган математик таъминот ва дастурлар мажмуасини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларда керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш ва вазиятли бошқариш алгоритмлари ва усулларини тадқиқ этишга доир бир қатор илмий ва амалий натижалар олинган. Жумладан хорижий олимлардан А. Шепард, Д.Э. Арнолд, О.Рйэ, Л.А. Растринг, В.М.Массон, И.С.Жущиховской, С.В.Иванов, В.Ф.Генинг, А.А.Бобринский, Д.В.Деопик, А.В.Смирнов, М.С.Белопольский, Т.З.Лыгина, И.И.Архипов, Б.Л.Залищак, И.С.Каменецкий, Д.В.Абдрахимов, П.Райе, И.А.Альперович, Д.П.Айрапетов, П.И.Боженев, В.П.Гинзбург, Р.К.Садыков, А.В.Корнилов ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда керамик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича К.А.Ахмедов, Н.Ўразов, И.Б.Табакман, М.А.Исмоилов, Т.С.Нусратов, Б.М.Турсунов, Р.Садуллаев, А.Кабилджанов, Н.Раджабов ва бошқа олимлар ишлаб чиқиш жараёнларини моделлаштириш, оптималлаштириш ва автоматлаштирилган бошқарув тизимини такомиллаштириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга муносиб ҳисса қўшганлар.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Шу билан бирга, ҳозирги кунда ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёни моделлари ва вазиятли бошқарув алгоритми ва тизимини ишлаб чиқиш, ҳам ашёнинг физик ва кимёвий ўзгаришлари, печ ҳароратининг турли таркибли ва шаклли тайёр керамик маҳсулотлари сифат кўрсаткичига таъсири масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А5-025 – «Иқтисодий-технологик модернизация қилишда интернет маркетинг тадқиқоти логистик бошқарув тизимининг тадқиқи» (2015-2017), И-2015-4-8–«Ахборот коммуникацион технологиялари тизимида юқори технологик виртуал ОС GNU операцион тизимини жорий этиш» (2015-2017), ҳамда И-2017-4-4–«Ахборот тизимларида маълумотларга интеллектуал ишлов бериш ва ишлаш моделларини яратиш ва жорий этиш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли объектларни вазиятли бошқариш алгоритмлари ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли объектларнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлов берилаётган ҳам ашёнинг таркибий ўзгаришларини турлилигини инобатга олган ҳолда вазиятли бошқариш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштиришнинг ёндошувларини шакллантириш;

дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли объектларнинг технологик хусусиятлари, физик ва кимёвий ўзгаришлари, информатив параметрларни саралаш асосида вазиятли бошқарув тизимини модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли керамик қурилиш материалларини қуйдириш ва қуриштириш кўрсаткичлари мезонларини шакллантириш, маҳсулот сифат кўрсаткичларини белгиловчи факторларни таснифлаш асосида объектларнинг вазиятли бошқариш алгоритми ва моделини ишлаб чиқиш;

дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли объектларда керамик материалларини қуйдириш ва қуриштириш жараёнларини оптималлаштириш мезонларига мос бошқарув ва печнинг ҳарорат режимини ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

тунелли печда ғишт маҳсулотларини қуйдириш ва қуриштириш жараёнларини вазиятли бошқариш ва башоратлаш моделлари, дастурий мажмуаси асосида ўзгарувчан қирувчи параметрлар хусусиятларига мувофиқ вазиятли бошқариш тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дискрет ўзгарувчан қирувчи параметрли объектларда вазиятли бошқариш тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларда вазиятли бошқарув тизимини яратиш усул, модел, алгоритм ва дастурий мажмуаси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида оптималлаштириш, башоратлаш ва факторли таҳлил усуллари, ахборот ва математик моделлаштириш, маълумотларга ишлов бериш усуллари, технологик жараёнлар ва классификациялаш усуллари, математик статистика, қарор қабул қилиш ва бошқарув усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлов берилаётган хом ашёнинг таркибий ўзгаришларини турлилигини инобатга олган ҳолда вазиятли бошқариш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштиришнинг ёндошувлари шакллантирилган;

дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларнинг технологик хусусиятлари, физик ва кимёвий ўзгаришлари, информатив параметрларни саралаш асосида вазиятли бошқарув тизимини модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли керамик қурилиш материалларини куйдириш ва қуришиш кўрсаткичлари мезонларини шакллантириш, маҳсулот сифат кўрсаткичларини белгиловчи факторларни таснифлаш асосида объектларнинг вазиятли бошқариш алгоритми ва модели ишлаб чиқилган;

дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларда керамик материалларини куйдириш ва қуришиш жараёнларини оптималлаштириш мезонларига мос бошқарув ва печнинг ҳарорат режимини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

тунелли печда ғишт маҳсулотларини куйдириш ва қуришиш жараёнларини вазиятли бошқариш ва башоратлаш моделлари, дастурий мажмуаси асосида ўзгарувчан кирувчи параметрлар хусусиятларига мувофиқ вазиятли бошқариш тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларни вазиятли бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асосий омиллари асосида бошқариш модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

тунелли печда куйдирилаётган маҳсулотларнинг хусусиятлари ва нуқсонларини башорат қилиш ва олинган натижаларни технологик жараёнлар параметрларини, авария ҳолатларда иқтисодий зарар кўриш ва жараённи нооптимал юритилаётганини ўз вақтида бартараф этиш тизими яратилган;

керамик маҳсулотларни куйдириш жараёни экспериментал тадқиқоти натижасида қилинган ғишт ҳоссаларини тақсимлаш хусусиятлари аниқланган, уларнинг статистик таҳлилидан кейин маҳсулотларнинг ҳоссаларини моделлаштириш учун қисқартмалар шакллантирилган, ҳамда назорат қилинувчи технологик ўзгарувчиларнинг статистик таҳлилинини ўтказиш,



математик моделларга киритиш учун омиллар аниқланган;

дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларда маҳсулотларнинг ҳусусиятларини башорат қилиш учун қолипда мустаҳкамликнинг энг кичик қиймати ва намлик ютишнинг ўртача қиймати моделлари олинган ва моделлар яроқсиз маҳсулотларни пайдо бўлишини башоратлашда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан асосланган амалий ҳисоб-китоблар, кўп поғонали таҳлилий тизимларни қуришнинг назарий асосланган концепцияларининг қўлланилиши, автоматик таҳлил назариясининг синалган усуллари ва алгоритмларнинг ишлатилиши, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги ҳисоблаш экспериментлари натижаларини умумқабул қилинган мезонлар асосида айнан берилганлар билан қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларда керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёнларининг башоратлаш моделларини ишлаб чиқиш, ҳамда керамик маҳсулотларни куйдириш ва қуришиш жараёнларида печнинг ҳарорат режимини мувофиқлаштириш усуллари ва вазиятли бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вазиятли бошқарув масаласининг шакллантирилиши, оптималлик мезонини танланиши, куйдириш майдонида ҳарорат чекловлари, печ вагонларини ҳаракатланиш тезлиги, шунингдек, маҳсулот қолипида мустаҳкамликнинг энг кичик қиймати ва намлик ютишнинг ўртача қийматининг шакллантирилиши, маҳсулот қолипи бўйича мустаҳкамликни тақсимлаш моделидан фойдаланиш, ҳарорат майдони ва маҳсулот ҳоссасини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларда керамик қурилиш материалларини куйдириш ва қуришиш жараёнларини оптималлаштириш ва печнинг ҳарорат режимини бошқариш мақсадида яратилган усул, математик модел, дастурий мажмуа ва алгоритмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дискрет ўзгарувчан кирувчи параметрли объектларда керамик қурилиш материалларини куйдириш ва қуришиш жараёнларини моделлари ва вазиятли бошқариш усуллари ва маълумотлар базасини мувофиқлаштиришнинг дастурий воситаси Фарғона вилояти «Шурсув ғишт заводи» МЧЖга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 33-8/8553-сон маълумотномаси). Натижада керамик маҳсулотларини ишлаб чиқиш жараёнида етказилиши мумкин бўлган эҳтимолий техник ва иқтисодий зарар миқдорини 1.18 баробарга камайтиришига эришилди;

турли физик ва кимёвий хусусиятларга ва шаклларга эга бўлган керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жараёнларини башоратлаш моделлари ва вазиятли бошқариш усуллари Самарқанд вилояти «Сифат Ғишт Қурилиш» МЧЖга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 33-8/8553-сон маълумотномаси). Натижада турли таркибли керамик қурилиш материалларини туннелли печларда куйдириш ва қуриштириш жараёнларида вагонларнинг ҳаракат тезлиги ва печ ҳарорати режимини мувофиқлаштириш, ёқилғи сарф харажати тежаш корхонанинг йиллик соф фойда миқдорини 1,18 баробарга ошириш имконини берди;

керамик қурилиш материалларини куйдириш ва қуриштириш жараёнларини бошқариш алгоритм ва усуллари, печнинг тузилмавий хусусиятларига мувофиқ иссиқлик узатиш коэффициентлари ҳарорат режимини ҳисоблашнинг дастурий воситаси Самарқанд вилояти «Азиза Кредо Макс» МЧЖга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 33-8/8553-сон маълумотномаси). Натижада керамик маҳсулотларни куйдириш ва қуриштириш жараёнлари, ахборот ресурслари оқими ва бошқарув тизими фаолиятини мувофиқлаштириш техник ва иқтисодий зарар миқдорини 1,21 баробарга камайтириш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 4 таси хорижий илмий журналларида, бундан 2 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда ва 19 та республика илмий журналларда, бундан 18 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилди ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асослаб берилган, олинган натижалар-


нинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши рўйхати, ишни синаш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Дискрет ўзгарувчан кировчи параметрли объектларни бошқаришнинг замонавий ҳолати» деб номланган биринчи бобида дискрет ўзгарувчан кировчи параметрли объектларда керамик материаллар ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш тизимининг ҳозирги ҳолати таҳлили, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш усуллари ва стратегиясини белгилашга бағишланган.

Замонавий ишлаб чиқариш дискрет ўзгарувчан кировчи параметрли объектларнинг жараёнлари 1-рasm кўринишида ифодаланади. Объектнинг кириш қисми ўзгарувчи вектор параметрлари  $X(t)$  ташкил этувчилари  $X_1(t), X_2(t), \dots, X_n(t)$  маълум бир тўпламга  $X, x(t) \in X$  тегишли.

Бошқарувчи параметрлар  $U(t)$  ташкил этувчилари  $U_1(t), U_2(t), \dots, U_l(t)$  орқали белгиланиб тизим ҳаракатини бошқариш учун фойдаланилади. Улар таркибига ҳом ашё сарфи, майдаланганлик даражаси, зичлиги, намлиги, қовушқоқлиги, ҳарорати, энергия сарфи каби параметрлар киради.

Тасодифий параметрлар  $V(t)$  ҳом ашё хоссалари, ҳом ашё таркибидаги металллар ва минераллар, ёпишқоқлик хусусиятлари (заррача шакли ва ўлчами), гранулаларнинг йириклиги, эзилиши, моддий оқимнинг ҳажми ва зичлиги, ҳом-ашё таркиби, бошқарувчи параметрларнинг сифати, турғунлиги ва ҳарорати ҳисобланади. Бу параметрлар ўрнатилган технологик режимни ўзгаришига олиб келади.



1. расм. Мураккаб ДЎКПО жараёнининг блок схемаси

бу ерда  $x_1(t), \dots, x_s(t)$  – компонентлар,  $s$ -ўлчамли вектор  $x(t) = (x_1(t), \dots, x_s(t))$  кировчи параметрлар;  $u_1(t), u_2(t), \dots, u_p(t)$  бошқарув компонентлари  $p$ -ўлчамли вектор  $u(t) = (u_1(t), \dots, u_p(t))$  бошқарувчи таъсирлар;  $y_1(t), y_2(t), \dots, y_m(t)$  –  $m$  - ўлчамли векторнинг чиқувчи компонентлари,  $y(t) = (y_1(t), \dots, y_m(t))$  бошқариш координат;  $v_1(t), v_2(t), \dots, v_l(t)$  -  $l$  - ўлчамли векторнинг салбий таъсир компонентлари  $v(t) = (v_1(t), \dots, v_l(t))$  ташқи таъсирлар.

Тизимнинг ҳолатини ифодаловчи вектор параметрлар  $y(t)$  қуйидаги кўринишда ифодаланади  $y(t)=y_1(t),y_2(t),\dots,y_m(t)$ . Бу кўрсаткичларга олинган маҳсулот ёки ярим тайёр маҳсулот кимёвий таркиби, ўлчами, миқдори, нархи ва ҳ.зо киради. Бу ерда  $t$  (дискрет ёки узлуксиз вақтни ифодалайди) маълум бир  $T$  тўпламдаги вақт.

Реал шароитларда катта миқдордаги турли тасодифий таъсирлар туфайли оператор-технолог объект бошқарувини белгиланган даражада ушлаб туриши мушкул ҳисобланади. Шунинг учун амалда оператор-технолог альтернатив ечимлар вариантдан фойдаланади, энг яхши вариантини танлаш интуитив ҳолатда амалга оширилади. Бу ўз навбатида оптимал вариантдан йўқотишга олиб келади.

ДЎКПОни бошқарув тизимини ишлаб чиқиш кўзланган маҳсулотни олиш учун локал участкаларни танлаш, моделлаштириш масаласини тадқиқ этиш, вазиятли бошқарув алгоритми ва тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ишончилигини ошириш, маҳсулот сифатини ошириш, корхона қувватидан самарали фойдаланиш, бошқарув восита ва усуллариини такомиллаштиришни талаб этади.

ДЎКПОларни бошқарув тизимининг умумий алгоритмик схемаси 2-расмда келтирилган. Бошқарилувчи объектда кечаётган жараён ҳақидаги жорий маълумотларни йиғишдан бошлаб бошқарув объектига таъсир кўрсатишигача бўладиган ҳаракатларни бажарувчи бошқарув тизимига тушади.

Объектдан тушадиган маълумот тизим фаолияти мақсадини инобатга олган ҳолда бошқарув тизимига қўйилган талаб билан солиштирилади. Солиштирув натижалари таҳлил қилинади шундан сўнг қарор қабул қилинади. Таъкидлаш жоизки, маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов беришда бошқарув тизимининг элементи сифатида инсон муҳим рол ўйнайди. Масалан, у визуал жараённи кузатиши ва объектга таъсир кўрсатишни шакллантириш ва қарор қабул қилиши мумкин.


Бошқарув қарорини қабул қилиш одатда объектнинг жорий ҳолатини баҳолаш ва бошқарув таъсирларини ёки бошқарув бўйича талаб этилган ҳолатга олиб келувчи босқичлар кетма-кетлигини танлаш билан боғлиқ. Бунда асосий эътибор турли альтернатив вариантларни таққослаш ва баҳолаш имконини берувчи математик моделларни яратиш ва рационал мезонларни танлаш билан боғлиқ бошқарув ечимларини қабул қилиш усуллариини ишлаб чиқишга қаратилади.

Бошқарув тизимини яратишга бўладиган сарф харажат мезонлардан бири ҳисобланади, мақсадга эришишда тизимли ёндошув тамойилларини қўллаган ҳолда ушбу кўрсаткични минималлаштиришга ҳаракат қилинади.

Иккинчи зарур бўлган мезон бу яратишнинг даври. Бу мезонни минималлаштириш бошқарув тизимини яратиш технологиясини оптималлаштиришнинг зарурий шarti ҳисобланади. Сарф харажатларни камайтириш мумкин лекин айрим ишларни бажариш вақти узаяди, корхона зарар кўради.

Учинчи асосий мезон юқоридаги икки мезонга боғлиқ бўлган ҳар бир босқичда қарор қабул қилиш имкониятини яратиш услубини танлаш ҳисоб-

ланади. Бошқарув тизимини яратишда қулай жараёнларни танлаш учун ушбу мезонни минималлаштириш жуда зарур. Агар услубият нотўғри танланган бўлса, сарф харажатларни ва вақтни минималлаштириш мумкин бўлмайди.



2-расм. ДЎКПО бошқариш схемаси

Натижада рационал бўлмаган ечимларни қабул қилиш эҳтимоли юқори бўлганлиги туфайли умумий мақсадга эришиб бўлмайди.

Диссертациянинг иккинчи «Дискрет ўзгаурвчан кирувчи параметрли объектларни бошқаришни ташкил этиш» номли бобида ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш тизими тамойиллари шакллантирилган, керамик маҳсулотлар характеристикалари ва хоссаларини тарқалиш характери аниқланган, технологик жараёнлар параметрлари классификацияланган.


Декомпозиция усули майдон бўйича автономик технологик жараёнларни локал бошқарув масаласи кўринишида ифодалаш имконини беради. Бажариладиган операциялар бўйича эквивалентлик технологик агрегатларнинг, шунингдек босқич бошқарув тизими математик ва дастурий таъминотини турлилигини камайтиради. Дискрет ўзгаурвчан кирувчи параметрли объектларни бошқарув жараёнларининг тузилмавий схемаси 3-расмда келтирилган.

ДЎКПО бошқарув жараёнлари қуйидаги 3-расмда келтирилган кетма-кетлик асосида амалга ошади.

Зарур бўлган ҳолларда оптимизация блокада (ОБ) оптимал бошқарув параметри вектор қийматини  $\bar{U}_{\text{опт}} = (U_{1\text{опт}}, U_{2\text{опт}}, \dots, U_{n\text{опт}})$  аниқлаш учун қуйидаги оптимизация масаласи ечилади

$$Q(U) \rightarrow \min_{U \in \Omega}$$

$$\Omega = \left\{ R^n \left| \begin{array}{l} x_{i\text{min}} \leq x_i \leq x_{i\text{max}}, i = \overline{1, n}; \\ U_{j\text{min}} \leq U_j \leq U_{j\text{max}}, j = \overline{1, m}; \varphi \leq \varphi_{\text{бер}} \end{array} \right. \right\}.$$



3-расм. ДЎКПО вазиятли бошқарув жараёнларининг тузилмавий схемаси.


бунда  $x_{\text{кир}}$  – кирувчи параметрлар, КПШБ – кирувчи параметрларни шакллантириш блоки, ММАБ – математик моделни адаптациялаш блоки, МБ – маълумотлар базаси, ОБ – оптималлаштириш блоки, БТБ – бошқарув топшириғи блоки, ЛАБТ – локал автомат бошқарув тизими, Р – регулятор, АОМ – амалга оширувчи механизм, Д – датчик, БО – бошқарув объекти,  $x_{\text{чик}}$  – чиқувчи параметрлар.

Бошқарув топшириғи блокада (БТБ) ҳисобланган  $\bar{U}_{\text{опт}}$  га асосан бошқарув топшириғи ( $\bar{U}_{\text{бер}}$ ) тузилади ва локал автомат бошқарув тизими (ЛАБТ)га узатилади.

$$\bar{U}_{\text{бер}} = (U_{1\text{бер}}, U_{2\text{бер}}, \dots, U_{n\text{бер}}).$$

Тузилган бошқарув қонуниятига  $\bar{U}_{\text{бер}}$  га асосан локал автомат бошқарув тизими бошқарув параметр қийматларини тасдиқлайди ва бошқарувни амалга оширади.

ДЎКПО вазиятли бошқаришнинг 4-расмда келтирилган алгоритмида биринчи блокада кирувчи параметрларни йиғиш ва уларга ишлов бериш амалга оширилади. Иккинчи блокда тўпланган кирувчи параметрлар классификацияланади. Учинчи блокда математик модел тузилмаси танланиб, тўртинчи блокда математик модел параметрларига мос келувчи қийматлар маълумотлар базасидан танланади. Математик моделнинг адекватлиги бешинчи блокда текширилади.



4-расм. Дискрет ўзгарувчан параметрли объектни вазиятли бошқариш алгоритми.

Математик моделнинг адекватлиги бажарилмаганда олтинчи блокда адекватлик юзага келгунга қадар модел параметрлари коррективка қилинади ва еттинчи блокда  $\bar{U}$  оптимал бошқарув параметрларини ҳисоблаш амалга оширилади ва олинган қиймат маълумот базасида қайд этилиб, тўққизинчи блокка йўналтирилади.

Агар бешинчи блокда математик модел адекватлиги тасдиқланса саккизинчи блокда  $\bar{U}$  оптимал бошқарув параметрлари маълумотлар базасидан мос қийматлари танланиб тўққизинчи блокка йўналтиради. Тўққизинчи блокда локал автомат бошқарув тизимига  $\bar{U}$  бошқарув топшириғи жўнатилади.

Диссертациянинг учинчи «Керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқариш технологик жараёнларини вазиятли бошқариш модел ва алгоритмини» номли бобида керамик материалларни куйдириш ва қуриштириш жараёнларини моделлаштириш усуллари тадқиқ этилган. Жараёнларни ифодаловчи параметрлар мажмуаси таҳлил этилиб уларнинг таркибидан устуворлари танлаб олинган ҳамда керамик материалларни куйдириш ва қуриштириш жараёнлари моделлари ишлаб чиқилган.

Куйдириш жараёнини моделлар ёрдамида бошқариш вақтидаги печ каналида кечаётган жараёнларнинг ностационар бўлганлиги учун доимий равишда уларни мослаштириб туриш лозим. Ностационарлик технологик қурилмаларнинг бузилиши, қолипнинг геометрик хусусиятлари, печда ҳавосўрғичининг мавжудлиги, атмосфера ҳавоси ва табиий газ хусусиятлари, ярим тайёр маҳсулот хоссаларининг барқарор эмаслиги ва ҳ.к. томонидан вужудга келган бўлиши мумкин. Ушбу таъсирлар математик моделларда, регрессион тенгламалар параметрларида инобатга олинади.

Маҳсулот сифатини башоратлаш учун қолипда нам ютувчанликнинг ўрта қиймати ( $VP$ ) ва мустаҳкамликнинг энг кам қиймати ( $Pr_{II,13}$ ) танланган. Бундай танлов, экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра айнан шу қийматларнинг ғишда носозлик мавжудлигини аниқлаш кўрсаткичлари эканлиги билан тасдиқланган.

Моделлаштириш учун барча экспериментал маълумотлар икки эркин қисмга бўлинган, улардан бири берилган тузилма модели параметрларини танлаш учун қўлланилган, иккинчиси эса олинган боғлиқликлар хусусиятининг башорати сифатини текшириш учун хизмат қилган.

Куйидаги тенгламалар, экспериментал маълумотларни ифодалаб берган.

I.  $Pr_{II,13}$  ни аниқлаш учун

$$Pr_{II,13} = b_0 + \sum_{i=1}^{12} b_i x_i, \quad (1)$$

$$i = \overline{1,3} \quad x_i = \{T25, T26, T28\},$$

$$i = 4,5 \quad x_i = \{K_{y3z}, W_{pf}\},$$

учун

$$i = \overline{6,8} \quad x_i = \{T25^2, T26^2, T28^2\},$$

$$i = \overline{9,12} \quad x_i = \{T25 \cdot C_{Al2O3}, T26 \cdot C_{Al2O3}, T26 \cdot C_{(CaO+MgO)}, T28 \cdot C_{Al2O3}\},$$

$$Pr_{II,13} = b_0 + \sum_{i=1}^{13} b_i x_i, \quad (2)$$

$$i = \overline{1,3} \quad x_i = \{T25, T26, T28\},$$

$$i = 4,5 \quad x_i = \{K_{y3z}, W_{pf}\},$$

учун

$$i = 6,7 \quad x_i = \{T25^2, T26^2\},$$

$$i = \overline{8,11} \quad x_i = \{T25 \cdot C_{Al2O3}, T26 \cdot C_{Al2O3}, T26 \cdot C_{(CaO+MgO)}, T28 \cdot C_{Al2O3}\},$$

$$i = 12,13 \quad x_i = \{(T25 \cdot C_{Al2O3})^2, (T26 \cdot C_{Al2O3})^2\}.$$

II. Нам ютувчанлик учун.

$$VP = C_0 + \sum_{i=1}^6 c_i x_i, \quad (3)$$

$$i = \overline{1,3} \quad x_i = \{T25, T26, T28\},$$



$$\begin{aligned}
i = 4 \quad x_i &= \{K_{\dot{y}_{32}}\}, \\
\text{учун} \\
i = 5 \quad x_i &= \{T26 \cdot C_{(CaO+MgO)}\}, \\
i = 6 \quad x_i &= \{(T26 \cdot C_{(CaO+MgO)})^2\}. \\
VP = C_0 + \sum_{i=1}^8 c_i x_i, & \tag{4} \\
i = \overline{1,3} \quad x_i &= \{T25, T26, T28\}, \\
i = 4 \quad x_i &= \{K_{\dot{y}_{32}}\}, \\
\text{учун} \\
i = 5,6 \quad x_i &= \{T25 \cdot C_{(CaO+MgO)}, T26 \cdot C_{(CaO+MgO)}\}, \\
i = 7,8 \quad x_i &= \{(T25 \cdot C_{(CaO+MgO)})^2, (T26 \cdot C_{(CaO+MgO)})^2\}.
\end{aligned}$$

Экспериментал тадқиқотларнинг статистик таҳлили натижаларига кўра, моделларга киритилиши тавсия этилган 20та омил танланган. Катта буғ корреляция коэффицентига эга омиллар танлаб олиниб, тузилмавий тўйинганликка эришиб, ўзига назария ва амалиёт нуқтаи назаридан керакли бўлган буғли корреляция коэффиценти кам бўлган омиллар киритилган тенгламалар олинган. Шу сабабли, тузилмавий идентификация, омилларнинг турли танловларидан бошлаб ўтказилган. Шу орқали ҳар бир маҳсулот хусусияти учун иккита тенгламанинг мавжудлиги сабабини изоҳлаш мумкин.

Ҳосил бўлган моделларнинг тўғрилиги текширилган. Бунинг учун Фишернинг F-мезони қўлланилган:

$$F = \frac{S_{ad}^2}{S_{sm}^2} \left\{ \frac{N-(M+1)}{\sum_{u=1}^U P-u} \right\},$$

бу ерда  $S_{ad}^2$  –тўғрилик дисперсияси.

$$S_{ad}^2 = \frac{\sum (y_i - \hat{y}_1)^2}{N-M+1}, \tag{5}$$

бу ерда  $y_i - \hat{y}_1$  – ғишт кўрсаткичининг модел бўйича экспериментал ва ҳисобланган қиймати;  $N$ –модел қурилган нуқталар сони;  $M$ –моделга киритилган омиллар сони;  $S_{sm}^2$  -  $k = \sum_{u=1}^U (P - u)$ . эркинлик даражаси билан ишлаб чиқариш дисперсияси.

Ишлаб чиқариш шароитида  $S_{sm}^2$  ҳисоблаш мақсадида барча печ вагонлари учун бир хил шароит яратиш имконияти мавжуд эмас. Печ вагонининг турли пакетларидан, лекин бир хил жойидан олинган сифат кўрсаткичлари қиймати параллел тажриба натижалари ҳисобланади.

$$S_{scn}^2 = \frac{\sum_{u=1}^U \sum_{p=1}^P (y_{pu} - M_u)^2}{\sum_{u=1}^U (P - u)},$$

бу ерда  $U$ -намуналар танлаб олинган қаторлар;  $P$ - ҳар бир қатордан танлаб олинган ғиштар сони.

Математик моделлар (1)-(4)  $\alpha=0,05$  аҳамиятлилик даражасида экспериментал маълумотларга мос деб топилди. Моделларнинг аниқлиги мезони сифатида мослик дисперсияси танланган (5). Бундан ташқари, мустаҳкамлик ва нам ютувчанликни баҳолашнинг оралиқлигини инобатга

олган ҳолда экспериментал ва башоратланган қийматларнинг битта ораликга тушиши шarti текширилган, (1)-(4) моделларнинг тадқиқот натижалари 1, 2-жадвалларда келтирилган. Кўриниб турибдики, улардан у - (1), (4) моделлар бўйича ҳисобланган, маҳсулот кўрсаткичларининг қиймати,  $S_{ад}^2$  дан кам ва кўпинча экспериментал қийматлар билан битта ораликда жойлашган бўлади.

1-жадвал.

Мустақамлик учун экспериментал ва башоратланган қийматларни таққослаш

№ нукта-лар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	...	21	22
$Pr_{II,13эксп}$	11,	9,8	11,4	17,9	7,3	8,4	20,4	19,1	11,7	15,2	...	11,0	8,7
$Pr_{II,13}(1)$	11,	11,3	14,4	19,0	8,1	8,6	19,1	19,6	11,7	14,0	...	11,1	8,7
$S_{ад}^2$	1,93												
Ораликга тушиши	+	-	-	+	+	+	-	+	+	“	...	+	+
$Pr_{II,13}(2)$	11,	10,6	11,5	17,7	8,1	7,0	20,0	18,6	11,5	15,6	...	11,6	8,7
$S_{ад}^2$	1,34												
Ораликга тушиши	+	-	+	+	+	-	+	+	+	+	...	+	+

2-жадвал.

Нам ютувчанлик учун экспериментал ва башоратланган қийматларни таққослаш

№ нукта-лар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	...	21	22
$VP_{эксп}$	16,9	20,2	17,0	15,9	21,3	20,2	16,8	16,2	17,8	18,6	...	21,2	20,8
$VP(3)$	16,6	17,9	16,7	17,3	20,9	20,6	18,2	17,2	17,4	18,9	...	21,3	20,5
$S_{ад}^2$	0,61												
Ораликга тушиши интервали	+	-	+	+	+	“	-	+	-	+	...	+	+
$VP(4)$	17,1	17,8	16,9	17,2	20,7	20,5	17,4	16,5	17,5	19,0	...	21,5	20,5
$S_{ад}^2$	0,57												
Ораликга тушиши	+	-	+	+	+	-	+	+	+	-	...	+	+

Ўтказилган статистик таҳлил шуни кўрсатдики,  $\alpha=0,05$  қиймат даражасида (1)-(3) ва (3)-(4) моделларнинг аниқлик қиймати ўзаро тенг.

Регрессион моделлар (1)-(4) аниқлигини ва бошқа эмпирик боғлиқликларни таққослаш 1, 2-жадвалларда келтирилган (ҳисоб  $\tau=1, 2, 3$  башоратлаш аниқлиги учун ўтказилган). Тажрибадан (1)-(4) моделларининг  $\alpha=0,05$  аҳамиятлилик даражасида аниқлиги, бошқа эмпирик боғлиқликлардан юқори деб топилган, шунинг учун ғишт хусусиятларини башорат қилиш учун яратилган регрессион тенгламаларни қўллаш қарори қабул

қилинган. Олинган натижаларни таҳлил қилиб, ҳар бир хусусият учун иккитадан модел, (2) ва (4)ни асосий сифатида, (1) ва (3)ни эса улар билан рақобатлашувчи сифатида қолдириш қарори қабул қилинган.

